

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
ХОКИМА  
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ**

2015 йил 07 - апрель № 103

Farg'ona shahri

**Бозорлар ва савдо комплексларида бир марталик  
йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар  
қиймати миқдорларини тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги «Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1326-сонли (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 17-сон, 131-модда.) ва 2010 йил 8 январдаги «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1257-сонли қарорларига (ЎР ҚХТ, 2010 йил, 1-2-сон, 4-модда.) мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил 24 декабрдаги «Бозорлар, савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларини белгилаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2643, 2014 йил 26 декабрь) (ЎР ҚХТ, 2014 й, 52-сон, 636-модда) ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2015 йил 9 январдаги МА/15-02-32-21/4-сон ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 2015 йил 9 январдаги 26/1-353-сон қўшма кўрсатмаларига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ-1326-сонли қарорининг 4-банди талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2015 йил учун бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорлари ишлаб чиқилганлиги инобатга олинсин.

2. Фарғона вилояти ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорлари 1 ва 2-иловаларга асосан тасдиқлансин.

3. Бозорлар ва савдо комплексларининг раҳбарлари, шаҳар, туманлар ҳокимлари белгиланган бир марталик йигим, ижара тўлови миқдорлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек кўрсатиладиган мажбурий хизматлар рўйхати ва қийматини бозорлар ва савдо комплексларига кириладиган барча жойларга осиб қўйилишини таъминласин.

4. Шаҳар, туман ҳокимлари, Давлат солиқ қўмитасининг “Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш шўъбаси” Фарғона вилоят бўлими (Б.Холиқов), Молия бошқармаси (Т.Салимов) белгиланган бир марталик йигим, ижара тўлови, кўрсатиладиган хизматлар қийматини тўғри ундирилиши юзасидан доимий назорат ўрнатиб, бу борада бозорлар ва савдо комплексларига амалий ёрдам бериб борсин.

5. “Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газеталари бирлашган таҳририяти (Н.Собиров) мазкур қарорнинг тўлиқ матнини матбуотда эълон қилсин.

Оммавий ахборот воситаларига бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йигимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларини кенг оммага етказиш чора-тадбирларини кўриш тавсия этилсин.

6. Белгилансинки ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

7. Мазкур қарор қабул қилинганлиги муносабати билан Фарғона вилояти ҳокимининг 2014 йил 24 мартдаги “Вилоят ҳудудидаги бозорларда бир марталик ва пулик хизмат тўловларини янги миқдорини белгилаш тўғрисида”ги 79-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Қўчқоров зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими

 Ш.Фаниев.

**Фарғона вилояти ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан  
ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган  
хизматлар қийматининг минимал миқдорлари**

(сўм ҳисобига)

№	Бир марталик йиғим олинadиган объектлар	Ўлчов бирлиги	Тўлов миқдори	
			Шаҳарларда	Туманларда
<b>1. Бир марталик йиғим.</b>				
<b>I. ДЕҲҚОН ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРЛАРИДА</b>				
1	Юк автомашинасида маҳсулот сотганлиги учун (қовун, тарвуз ва полиз маҳсулотларидан ташқари)	Ҳар бир машинага	9500	7500
2	Енгил автомашинасида маҳсулот сотганлиги учун (қовун, тарвуз ва полиз маҳсулотларидан ташқари)	Ҳар бир машинага	7500	6000
3	Аравачаларда сотганлиги учун (қовун, тарвуз ва полиз маҳсулотларидан ташқари)	Ҳар бир аравачадан	2000	1600
4	Маҳсулотларни ерда сотиш	6 кв метргача	4000	2000
5	Супурги, исириқ сотувчилардан	1м2	3000	2200
6	Гуруч, гречка сотувчилардан	1м2	4000	4000
7	Юк автомашинасида гуруч сотувчилардан	Ҳар бир машинага	20000	20000
8	Дон маҳсулоти мош, ловия, жувари сотувчилардан	1м2	4000	3000
9	Дон маҳсулоти макка, буғдой, арпа сотувчилардан	1м2	3500	2500
10	Узум, олма, анор, нок, хурмо ва бошқа турдаги мева сотувчилардан:			
	декабрь-май ойларида	1м2	7500	6000
	июнь-сентябрь ойларида	1м2	3000	2200
	октябрь-ноябрь ойларида	1м2	6000	5000
11	Бошқа мева сотувчилардан	1м2	3000	2200
12	Цитрус ва тропик мева (банан, апельсин, мандарин, лимон, ананас, киви каби) сотувчилардан	1м2	9500	7500
13	Малина, қулупнай, гилос сотувчилар	1м2	4000	3000
14	Бодринг, помидорни иссиқ хоналарда етиштирилган маҳсулот сотувчилардан	1м2	6500	6000
15	Бодринг, помидорни сотувчилардан	1м2	3000	2200
16	Сабзавот, сабзи, пиёз сотувчилардан	1м2	2800	2500
17	Сабзавот, турп, шолғом сотувчилар	1м2	2200	1500
18	Карам сотувчилардан	1м2	2200	1500
19	Картошка сотувчилар	1м2	3500	3000
20	Гул сотувчилардан	6 кв метргача	5000	4500
21	Қовун, тарвуз ва бошқа полиз маҳсулотлари сотувчилардан			
	Юк машинасига	ҳар бирига	12000	10000
	Енгил машиналарда бўлса	ҳар бирига	8000	7000
	Қовун, тарвуз ва бошқа полиз маҳсулотлари сотувчилардан	6 м2 гача	6000	4000

№	Бир марталик йиғим олинадиган объектлар	Ўлчов бирлиги	Тўлов миқдори	
			Шаҳарларда	Туманларда
	Қовун, тарвуз ва бошқа полиз маҳсулотлари сотувчилардан	6 м2 дан ортиқ	9000	6500
22	Саноат йўли билан ишлаб чиқарилган озиқ-овқат, кондитер маҳсулотлари, салқин ичимликлар	1м2	5000	3000
23	Тухум сотувчилардан	1м2	3000	2500
24	Сут ва қатиқ сотувчилардан	1м2	3000	2200
25	Қаймоқ, сметана, уй пишлоғи, сузма сотувчилардан	1м2	4000	3000
26	Зировор ва дориворлар (мурч, нос, уруғлар) сотувчилардан	1м2	4000	3000
27	Асал сотувчилардан	1м2	6000	4000
28	Қуруқ мева сотувчилардан;			
	писта, бодом учун	1м2	7000	5000
	ўрик, ёнғоқ, майиз маҳсулотлари учун	1м2	6000	4000
	кунгабоқар ва ер ёнғоқ учун	1м2	6000	4000
29	Тузлама ва салат сотувчилар учун	1м2	5000	4000
30	Мавсумий нишолда сотувчилардан	бир савдо ўрнига	4000	4000
31	Дудланган колбаса ва чўчка ёғи (бекон, шпик) сотувчилардан	1,5м2	9000	7000
32	Тирик балиқ ва балиқ маҳсулоти сотувчилардан	1м2	9000	6000
	Аквариум балиқлари сотувчилардан	битта ўринга	3500	2000
33	Кўкат сотувчилардан	1м2	2200	1500
34	Иссиқхоналарда етиштирилган кўкат сотувчилардан	1м2	2800	2200
35	Кўчат (бодринг, помидор, болгар қалампери, райхон, карам, гул) сотувчилардан	1м2	3000	2500
36	Мевали дарахт ва терак кўчатлари сотувчилардан	1м2	4000	2500
37	Оби нон сотувчилардан	1м2	2800	2000
38	Ёғли патир нон сотувчилардан	1м2	4000	3000
39	Уй шароитида тайёрланган (торт, булочка, пирог, ва бошқалар	1м2	3000	2500
40	Гўшт сотувчилардан мулкчилик шаклидан қатъий назар	1 савдо ўрнига	11000	11000
41	Пакет сотувчилардан	1м2	4000	3000
<b>МОЛ БОЗОРИГА ОЛИБ КИРИЛАДИГАН ҲАР БИР ЧОРВА МОЛЛАРИ УЧУН</b>				
42	От, той, туя	Ҳар бир бошига	10000	10000
	бўғалоқ, эшак	Ҳар бир бошига	7000	7000
	йирик шохли қорамол (шу жумладан сигир бузоғи билан)	Ҳар бир бошига	10000	10000
	бузоқ	Ҳар бир бошига	7000	7000
43	Майда шохли хайвонлар (қўй, эчки)	Ҳар бир бошига	5000	5000
	уларнинг болалари (қўзичоқ ва улоқча)	Ҳар бир бошига	3000	3000
44	Товуқ ва курка сотувчилардан	Ҳар бир бошига	1000	1000
	Жўжа, кабутар сотувчилардан	Ҳар ўн дона	800	800
45	Ғоз, ўрдак, қуён, сотувчилардан	Ҳар бир бошига	1000	1000
46	Декоратив қуш сотувчилардан	1м2	3500	1800
47	Декоратив қуш ва балиқларнинг емиш овқатлари сотувчилардан	1м2	3500	1800
48	Ит сотувчилардан	биттаси	3500	2000

№	Бир марталик йиғим олинадиган объектлар	Ўлчов бирлиги	Тўлов миқдори	
			Шаҳарларда	Туманларда
	Кучук сотувчилардан	битгаси	3200	2000
49	Қуруқ хашаклар (похол, сомонлар, ер-ёнғоқ пояси) сотувчилардан	битга прицеп учун	19000	13000
	Қуруқ хашаклар (похол, сомонлар, ер-ёнғоқ пояси) сотувчилардан	битга арава учун	7500	5500
<b>II. САВДО КОМПЛЕКСЛАРИДА</b>				
50	Тижорат йўли билан келтирилган ноозиқ-овқат маҳсулотлари учун	1 м2	2000	1500
51	Чарм ва мўйнали кийим сотувчилардан	1м2	4000	3000
52	Табиий мўйнали телпак сотувчилардан	1 м2	5000	4500
53	Сунъий мўйнали телпак сотувчилардан	1 м2	2000	1500
54	Пальто ва костюм сотувчилардан	1м2	4000	3000
55	Косметика, гигиена ва ювиш, тозалаш воситалари сотувчиларидан	1м2	2500	2000
56	Тайёр кийимлар, газламалар, ўрин тўшак жихозлари	1м2	3000	2500
57	Атторлик (галантерия) маҳсулоти сотувчилардан	1м2	3000	2500
58	Палас, гилам, шолча сотувчилардан	6м2	6000	5500
59	Телевизор, видео, радио ускуналар ва аудио, видео кассеталар	2м2	5500	5000
60	Телефон, факс, нусха кўчириш ускуналари каби ташкилий техника	2м2	5500	4500
61	Канцелярия моллари, болалар ўйинчоқлари сотувчилардан	2м2	3000	3000
62	Ноёб ҳамда қадимий (антиквар) чинни ва хрустал буюмлар	2м2	5500	4800
63	Маиший уй-рўзғор техникаси (чок тикув, кир ювиш машинаси кабилар)	2м2	5000	4000
64	Уй-рўзғор (ошхона жихозлари, идиш товоқ, рўзғор асбоб анжомлари)	2м2	4000	3000
65	Эски кийим ва уй-рўзғор сотувчилардан	2м2	2800	2200
66	Эски уй-рўзғор техника буюмлари сотувчилардан	битгаси учун	3000	3000
67	Мебель жихозлари (ҳар 6 кв метр)	бир савдо ўрин	6000	3500
68	Хунармандчилик ва халқ истеъмол моллари сотувчиларидан, жумладан майда хунармандчилик маҳсулотлари (ўроқ,	6 кв метргача	4000	4000
69	Йиғчилик маҳсулотлари (жува, чекич, элак ва бошқалар) учун	2м2	3500	2800
70	Миллий кийим тикиб сотувчилардан	1м2	2000	2000
71	Дўппи сотувчилардан	1м2	2000	1500
72	Косиблик ва кўнчилик маҳсулоти сотувчилардан	1 ўринга	3000	2000
73	Атторлик маҳсулоти сотувчи (ёймачилардан)	1м2	2500	2000
74	Болалар кийими сотувчилардан	1м2	2500	1500
75	Қўлда сотиб юрганлардан	Ҳар бир сотувчидан	2000	1500
76	Арқон сотувчилардан	Ҳар бир сотувчидан	2000	1500
<b>III. ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САВДО КОМПЛЕКСЛАРИДА</b>				
77	Эшик, ром сотувчилардан	10м2	4000	4000
78	Эски эшик, ром сотувчилардан	10м2	3000	2700

№	Бир марталик йиғим олинадиган объектлар	Ўлчов бирлиги	Тўлов миқдори	
			Шаҳарларда	Туманларда
79	Ёғоч, тахта, рейка сотувчилардан	20м <sup>2</sup>	6500	6000
80	Ёғоч, тахта, рейка сотувчилардан	30м <sup>2</sup>	8500	7500
81	Махаллий терак сотувчилардан	30м <sup>2</sup>	5500	5000
82	Дарвоза сотувчилардан	10м <sup>2</sup>	11000	11000
83	Янги метал, қувур, бурчак, арматура ва сим сотувчилардан	5м <sup>2</sup>	4000	4000
	Янги метал, қувур, бурчак, арматура ва сим сотувчилардан	15м <sup>2</sup>	5500	5500
	Янги метал, қувур, бурчак, арматура ва сим сотувчилардан	30м <sup>2</sup>	11000	11000
84	Эски метал, қувур, бурчак, арматура ва сим сотувчилардан	5м <sup>2</sup>	2400	2000
	Эски метал, қувур, бурчак, арматура ва сим сотувчилардан	15м <sup>2</sup>	4000	4000
	Эски метал, қувур, бурчак, арматура ва сим сотувчилардан	30м <sup>2</sup>	7500	7500
85	Янги бўёқ, мих ва бошқа хўжалик маҳсулотлари сотувчилардан	5 кв.м.гача	3000	2800
	Янги бўёқ, мих ва бошқа хўжалик маҳсулотлари сотувчилардан	15 кв.м.гача	4000	3800
	Янги бўёқ, мих ва бошқа хўжалик маҳсулотлари сотувчилардан	30 кв.м.гача	8000	8000
86	Фанера ДСП, ДВП сотувчилардан	6м <sup>2</sup>	6000	6000
87	Рухланган тунука, шифер сотувчилардан	4м <sup>2</sup>	6000	6000
88	Охак, цемент, бўр, крошка, битум, рубероид сотувчилардан	4м <sup>2</sup>	3000	2500
89	Пишган янги ғишт сотувчилардан	6м <sup>2</sup>	7500	7500
	Пишган эски ғишт сотувчилардан	6м <sup>2</sup>	6000	6000
90	Хом ғишт сотувчилардан	бир юк	8000	5000
91	Шағал, қум, тош сотувчилардан	бир юк	8000	6000
<b>IV. АВТОМАШИНА БОЗОРЛАРИДА</b>				
92	GM-Ўзбекистон (УзДЭУавто) ва хорижда ишлаб чиқарилган енгил автомашиналар сотганлар учун	бир донаси	18000	18000
93	МДХ (СНГ) давлатларида ишлаб чиқарилган автомашиналар сотганлар учун	бир донаси	15000	15000
94	Юк кутарувчи автомашиналарини сотганлар учун	бир донаси	20000	20000
95	Бошқа транспорт (мотоцикл, аравали мотоцикл, мотороллер) воситалар сотганлар учун	бир донаси	3800	3800
96	Велосипед, моторли велосипед, мопедлар сотганлар учун	бир донаси	3000	2500
97	Эхтиёт қисмлар сотганлар учун			
	автомобил эхтиёт қисмлар сотганлар учун	2м <sup>2</sup>	4500	4500
	Хориждан келтирилган ва УзДЭУ эхтиёт қисмлари сотувчилардан	2м <sup>2</sup>	5000	5000
	Янги автошина сотганлар учун	2м <sup>2</sup>	7000	6000
	Эски автошина сотганлар учун	2м <sup>2</sup>	5200	4000
	Бошқа эхтиёт қисмлари сотувчилар учун	2м <sup>2</sup>	3400	3000
	Эски турдаги автомобил эхтиёт қисмларини сотувчилар учун	2м <sup>2</sup>	3500	3000

№	Бир марталик йигим олинадиган объектлар	Ўлчов бирлиги	Тўлов миқдори	
			Шаҳарларда	Туманларда
<b>V. БАРЧА ТУРДАГИ БОЗОРЛАР ВА САВДО КОМПЛЕКСЛАРИДА</b>				
98	Нўхат, калла гўшти, қазни ва бошқа пиширилган маҳсулотлар сотувчилардан	1м2	4000	3000
	а) ош, шўрва, лағмон сотувчилардан	бир қозонига	6000	3500
	б) хот доғ, гамбургер, пицца сотувчилардан	битта жой учун	4000	3000
	в) манти, пирожка, чебурек, қахва сотувчилардан	битта жой учун	3500	3000
	г) чой сотувчилардан	битта жой учун	2000	2000
	д) кабоб сотувчилардан	битта кўра учун	6000	4500
	е) тандир сомса сотувчилардан	битта тандирга	6000	5000
	ж) юқоридагиларни овқатланиш ўринлари учун	2м2	600	400
99	Чархчилик хизмати, пойафзал таъмирлаш хизмати курсатганлар учун	Битта ўрнига	2500	2000
100	Маҳсулотларни бозорлардан сотиб олинганлигини тасдиқловчи маълумотнома ёзиб бериш учун;			
	а) 100 минг сўмликкача бўлса		6500	6500
	б) 100 минг сўмдан 500 минг сўмгача		11000	11000
	в) 500 минг сўмдан ортиги учун ҳар 500 минг сўм учун		20000	20000

## ЭСЛАТМА

1. Савдо жойи учун ижара ҳақи ой бошида бир ойга тўланади.
2. Бозорда 5 кг гача бўлган тез бузиладиган мева ва сабзавот маҳсулотларидан йигим олинмайди.
3. Ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотувчиси Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ва ногиронларидан, шахсий нафақа олувчилардан йигим олишда 50 фоиз имтиёз берилади.
4. Ўзбекистон қахрамонлари, қахрамон оналар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилганлар шахсий автомашиналарини сотганларида бир марталик йигим олишда 50 фоиз имтиёз берилади.
5. Республика ҳудудида ишлаб чиқарилган озиқ-овқат ва саноат моллари билан бир қаторда импорт товарлари сотилса, жой ҳақи импорт товарларга белгиланган миқдорларда ундирилади.
6. Транспорт воситалари фақат белгиланган жойда туради.

**Фаргона вилояти ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан  
ундириб олинган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатилган  
хизматлар қийматининг минимал миқдорлари**

(сўм ҳисобига)

№	Пуллик хизмат кўрсатиш турлари	Ўлчов бирлиги	Тўлов миқдори	
			Шаҳарларда	Туманларда
<b>2. Пуллик хизмат.</b>				
1	Бозорлар ва савдо комплекслари балансидаги бино, иншоот ва бошқа мол-мулкдан фойдаланганлик учун ойлик ижара тўлови			
	Ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиш	1 кв.м/ойига	15000,0	7400,0
	Озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш	1 кв.м/ойига	12500,0	6200,0
	Умумий овқатланиш	1 кв.м/ойига	15000,0	7400,0
	Маиший хизмат кўрсатиш	1 кв.м/ойига	6600,0	4700,0
	Бошқа турлар (Омбор, офис, дорихона, пайнет ва ҳ.к)	1 кв.м/ойига	7200,0	4700,0
2	Тарозидан фойдаланганлиги учун (тош, тарози, палла)	бир кунга	2000,0	2000,0
	катта тарози 150 кг гача	1 кунга	1500,0	1100,0
	150 кгдан 1500 кг гача	1 кунга	7200,0	6500,0
3	Маҳсулотларни ёпиш учун бризент берилса	битта бризент	2000,0	2000,0
4	Юк ташиш аравачаси (бир кунга)	битта аравача	4000,0	3500,0
5	Бозор ҳудудида рекламадан фойдаланганлик учун (1 м.кв)	1 кунга	1100,0	700,0
6	Товар тарозисида маҳсулотларни тортиб берилса	ҳар бир тортишга	1400,0	1100,0
7	Савдо инвентарлари берилса (паднос, сават, пичоқ, табуретка, варонка ва бошқа) ҳар бири учун	бир кунга	1000,0	700,0
8	Махсус уст бошдан фойдаланганлиги учун (ҳар бир кунга)			
	Халатдан, курткадан	ҳар биттаси	800,0	800,0
	Этақдан, енгичадан	ҳар биттаси	700,0	700,0
9	Қишлоқ хўжалик бошқа озик-овқат маҳсулот сақлаш учун			
	совуткичларда (ҳар бир яшик, коп ва х.к. учун)	1 кунга	2200,0	2200,0
	омборхоналарда, сақлаш камераларида (ҳар бир яшик, коп ва х.к. учун)	1 кунга	1400,0	1400,0
	Бозор ҳудудидаги расталарда ва очик жойларда (савдо ўрни ҳисобидан)	1 кунга	1500,0	1500,0
10	Буюмларни омборларда сақлаш (бир 50x50x100 ўлчамдаги жой учун)	1 кунга	1300,0	1000,0
11	Реклама учун радиоузелдан фойдаланиш	3 мартаба такрор	1000,0	1000,0
12	Карвонсаройдан фойдаланганлиги учун			
	майда шохли хайвонлар учун	бир бошига	1100,0	1100,0
	йирик шохли хайвонлар учун	бир бошига	1500,0	1500,0
	автомашиналар учун бир кунга	бир жойга	1500,0	1500,0

№	Пулик хизмат кўрсатиш турлари	Ўлчов бирлиги	Тўлов миқдори	
			Шаҳарларда	Туманларда
	юкли автомашиналар тунда юки билан қолгани учун	ҳар бир машинага	2000,0	2000,0
	маҳсулот сақлаш учун ўрнатилган сандиқлар учун (ҳар бирига)	бир кунига	2000,0	2000,0
13	Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш учун:	ҳар бир соатига		
	енгил автомашиналар учун	1 соатга	1000,0	800,0
	юк автомашиналар учун	1 соатга	1000,0	800,0
	велосипедлар сақлаш учун	1 соатга	800,0	500,0
14	Хожатхонага кириш киши бошига	бир кишига	400,0	400,0
15	Мехмонхонада, карвонсаройда тунаб қолиш учун	бир кишига	5000,0	4100,0
16	Умумий фойдаланиладиган объектларни сақлаш бўйича кўрсатиладиган мажбурий хизматлар (асфальтланган ва брусчатка ётқизилган йўлаклар, тротуарлар, кириш ва чиқиш жойлари, ер ости ва ер усти канализация лотоклари, ички ва ташқи ёритиш тармоқлари ва иншоотлари, ичимлик сувининг санитар-техник бўғинлари, умумий ҳудудни кўриқлаш ва тозалаш, маиший ва мева-сабзот маҳсулотларининг чиқиндиларини йиғиш ва олиб чиқиш, ташқи муҳандислик-коммуникация иншоотлари)*	1 кв.м/ойига	6000,0	4000,0

\*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ-1326 сон "Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, кўрсатиладиган мажбурий хизматлар рўйхати ва қиймати Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланди. Ушбу хизматлар бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино ва иншоотлар мулкдорларига кўрсатилади ҳамда улар учун ҳужжатларида кўрсатилган эгаллаган ер майдонларидан келиб чиқиб ҳақ тўланади.

### Изоҳ:

1. Бозорлар ва савдо комплекслари балансидаги бино, иншоот ва бошқа мол-мулкдан фойдаланганлик учун ойлик ижара тўлови бино иншоотнинг фойдаланилган қисмидан ундирилади.
2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва халқ истеъмол моллари билан савдо қилинганда, бир жой (савдо ўрни) ўлчами 1-1,2 погон метр деб белгиланади ва шу ўлчамдан ортиқ ўрин учун қўшимча равишда ҳар бир савдо ўрни учун белгиланган тўлов миқдорида жой ҳақи ундирилади.
3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва халқ истеъмол моллари аралаш ҳолда сотилганда, тўлов сотиладиган маҳсулот турлари бўйича белгиланган энг юқори ставка бўйича ундирилади.